


UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ
(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

2021 ЙИЛ АПРЕЛЬ

ТОШКЕНТ – 2021

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2021 йил апрель ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

Мундарижа

Иқтисод

А.А.БОЗОРОВ. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш (Сурхондарё вилояти мисолида)-----	5
М.А.РАИМЖАНОВА. Кичик саноат зонаси – янги имкониятлар майдони-----	16

Юридик

Н.М.ЭГАМБЕРДИЕВА, С.Д.ДЖОЛДАСОВА. Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш-----	27
А.А.МАТЧАНОВ. Сотрудничество во имя безопасности на пространстве СНГ-----	36
О.ПИРМАТОВ. Фуқаролик суд ишларини юритишни виртуаллаштириш бўйича қисқача мулоҳазалар-----	44
Р.А.САЙИДОВ. Давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари-----	51
А.Б.ЖАНИКУЛОВ, С.И.ДАМИНОВ, Ф.Н.АБДУЛЛАЕВ. Ёнғин билан боғлиқ жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув тушунчаси, моҳияти ва унинг аҳамияти-----	60
Б.С.ИСМОИЛОВ. Пандемия даврида ногиронлиги бўлган шахслар таълимининг ижтимоий-ҳуқуқий таҳлили-----	68

Филология

Д.С.ЎРАЕВА, В.Ф.КАМОЛИДДИНОВА. Ўзбек шоирларининг оксюморондан фойдаланиш маҳорати-----	82
Д.Ф.ТОИРОВА. Разлад талантливое плебея и ничтожных верхов-----	90
О.УСМОНОВ. Ғулум Зафарийнинг ўзбек мусиқа маданияти ҳақидаги қарашлари-----	102
Э.ЖАББОРОВ, Д.Р.АБАТОВ. Халқ достонлари матнида қўлланган зоонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари-----	110
Ҳ.ҲАМРОЕВА. Терминология тизими хусусида-----	118
М.Д.АБДУЛЛАЕВА. Тарихий насрда анъанавий мотивлар-----	130
М.Т.АБДУПАТТОВ, М.А.ҚУРБОНОВА. Муаллиф идиостилининг шаклланишида окказионал бирликларнинг ўрни-----	136
Р.А.ФАЙЗУЛЛАЕВА . Муҳаммад Расул Мирзо лирикасининг бадиият масалалари-----	146
И.А.ШОЙМАРДОНОВ. Сурхон аллаларининг ўзига хос локал хусусиятлари-----	154
Ғ.АРАПОВ. Лингвомаданиятшуносликнинг маданият ва тиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорлиги ва таъсири-----	164

ГУЛОМ ЗАФАРИЙНИНГ ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Олим УСМОНОВ

Филология фанлари номзоди, доцент
Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлари, хусусан, Гулом Зафарийнинг ўзбек мусиқа маданияти, шарқ куйлари, чолғулари тарихи тўғрисидаги қарашлари, мусиқий меросни асраб қолиш ва ривожлантириш, мусиқали драмани яратиш учун олиб борган фаолияти, курашлари ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: мусиқали драма, шарқ чолғулари, Туркистон мақомлари, Чигатой адабиёти, Самарқанд мусиқа ва театр муҳити.

ВЗГЛЯДЫ ГУЛЯМА ЗАФАРИ НА УЗБЕКСКУЮ МУЗЫКАЛЬНУЮ КУЛЬТУРУ

Олим УСМОНОВ

кандидат филологических наук, доцент
Университет
узбекского языка и литературы
имени Алишера Навоий
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье представлены взгляды узбекских и русских учёных просветителей XX века на музыкальную культуру узбекского народа, историю восточных мелодий и музыкальных инструментов, узбекскую музыкальную драматургию, а также на сохранении и развитии музыкального наследия.

Ключевые слова: музыкальная драма, восточные музыкальные инструменты, Туркестанские макомы, Чигатайская литература, музыкальная и театральная среда Самарканда.

Гулом Зафарий миллий мусикамиз, умуман Шарқ мусиқасининг билимдони саналиб, бутун борлиғи билан мусиқага ихлос қўйган эди. Шунинг учун бўлса керак, унинг деярли барча драмалари ҳамда

достонларига куй ва кўшиқлар сингдириб юборилган. Муסיқа ва театрни уйғунлаштириш тилаги унда ижодининг илк даврларидаёқ пайдо бўлган. Бу даврда ўлкамизга озарбайжон театри намояндалари бир неча марта гастрол уюштирганлар. Тили, дини бир, урф-одати яқин бўлган озар халқининг қалби ва руҳи акс этган бу пьесалар халқимиз ўртасида кенг шуҳрат қозонган. Айниқса муסיқали драмалар халқнинг самимий муҳаббатига сазовор бўлган. Табиатан муסיқага мойиллиги бўлган Ғулом Зафарийда ҳам бу асарлар билан танишиш, озарбайжон театри режиссёрлари билан ҳамкорликда ишлаш изсиз кетмади, албатта. Ғулом Зафарийда ўзбек тилида ҳам мана шундай муסיқали драмалар яратиш иштиёқи кучайди. У дастлаб кичик-кичик муסיқали сахна асарлари ярата бориб, 1920 йилда машҳур “Ҳалима” муסיқали драмасини яратишга муваффақ бўлади ва ҳақли равишда ўзбек муסיқали драмасининг асосчиси деган улуғ номга мушарраф этилади.

“Ҳалима” ўтган асрнинг 20-йиллари ўзбек маданий ҳаётида ёрқин воқеа бўлди. Бу асар оддий халқ ўртасида ҳам, зиёлилар орасида ҳам кенг шуҳрат қозонди. “Ҳалима”ни кўриш учун халқ қайта-қайта театрга келар, драмадаги кўшиқлар барчага ёд бўлиб кетган эди. Бу жараёни Чўлпоннинг куйидаги сўзлари яққол тасвирлаб беради: 11-декабрда ўшал ўзимиз кўрган кишлиқ “Турон” биносида юзинчи мартаба бўлса керак “Ҳалима” ўйналди... асарнинг алланечанчи мартаба кўйилишига қарамасдан халқ тўладир, жой тегишмайдир”[6].

“Ҳалима” драмаси Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида, шунингдек, Москва ва Ленинград сахналарида ҳам намоёиш қилинган. Бу асар халқнинг шу қадар муҳаббатига сазовор бўлган эдики, то қаттол тузум Ғулом Зафарийни қатағон этмагунча ўзбек сахнасида тушмаган. Бу қадар халқ муҳаббатига сазовор бўлган асар ўзбек театри тарихида ноёб ҳодиса эди. Фикримизнинг исботи сифатида яна бу жараённинг шоҳиди бўлган Чўлпонга мурожаат қиламиз: *“Ҳалима” кўп кўйилишида ҳамма пьесалардан ортиқ туради. Ўзининг ёқимли куйлари билан халқни қанчалик мафтун қилган*

бўлса, шуҳрати билан ҳам Ғулом Зафарийга рус матбуотида “Ўзбек бастакори” номини бердирди” [5]. Ҳақиқатан, рус театршуноси В.А.Пестовский ҳам ўзининг “Ўзбек театри тарихи” мақоласида драматургни “Композитор Ғулом Зафарий” деб атайди.

Ўзбекистонда яшаб ижод этган рус муסיқашунослари Ғулом Зафарийнинг ноёб истеъдодини қадрлаб, унга юқори баҳо берганлар. Шулардан бири – В.А.Успенскийнинг 1927 йилда москвалик дўсти В.М.Беляевга ёзган мактубида шундай сатрлар бор: “Самарқандда Ғулом Зафарий билан учрашдим, сенга унинг манзилени ёзаяпман: Самарқанд, Китоб палатаси, – унга. У билан боғланишингни чин дилдан маслаҳат бераман, муסיқа ҳақида у жуда кўп нарсаларни билади, энг асосийси, ихтиёрида жуда кўп нодир китоблар бўлиб, шуларнинг орасида муסיқа ҳақида ёзганлари ҳам бор. Унга сен ҳақингда гапириб бердим, у инглиз газетасига сенинг буюртманг бўйича Самарқанд муסיқа ва театр муҳити ҳақида ёзиб юбориши мумкин” [3;306].

Успенский бу мактубида муболаға қилмаган эди. Чиндан ҳам, Ғулом Зафарий муסיқа бўйича теран билимга эга бўлган. У чуқур илмий тадқиқотлар натижасида ўзбек миллий ҳофизлик мактаби шажарасини тузиб чиққан. Форс, ҳинд, умуман, шарқ куй ва чолғуларини мукамал билган. Унинг 1922 йил “Инқилоб” журналида эълон қилинган “Шарқ куйлари ва чолғулари” мақоласини ўқиган киши бунга амин бўлади.

Шарқда муסיқа инсонни Илоҳиётга яқинлаштирувчи мўъжиза деб қаралган. Шунингдек, табиат ва инсон руҳининг уйғунлигига ҳам катта эътибор берилган. Ҳар бир муסיқа йил фасллари, ой ва куннинг вақтларига қараб ижод қилинган ва ижро этилган. Чунки табиатнинг ўзида буюк муסיқийлик мавжуд. Табиатдаги ўзгаришлар инсон руҳиятига таъсир этиши фанда аллақачон исбот этилган. Чунончи, булутли, ёмғирли кун кишида аллақандай ҳазин, маъюс кайфият уйғотади. Муסיқа мана шу кайфиятни кучайтирувчи, ўткирлаштирувчи воситадир. Ғулом Зафарий юқорида тилга

олинган мақоласида буни алоҳида таъкидлаб ўтади: *“Шарқ чолғусининг чолғу танувчилари шундоқ усто ясабиладирким, бир кеча-кундузни ўн иккига бўлиб, ҳар бир бўлимни табиатнинг ўзгарувига қараб, бир таъсир остида ҳисоблаб ва шунга тўғрилаб бирор куй ясайдилар; ўн икки бўлимда ўн икки куйдирким: 1. Раҳовий...”* [1;39].

Ўзи яратган ҳар бир нарсанинг андозасини табиатдан оладиган буюк Шарқ илоҳий неъмат бўлган мусиқада ҳам жаҳоний уйғунлик бузилмаслигини ҳисобга олган. *“Туркистонда ҳам ҳар бир куйни чолмоқ учун вақт белгиланадур”*, деб ёзади Ғулом Зафарий. Рус бастакори В.А.Успенский шарқ мусиқасидаги бу қадар уйғунликдан ҳайратга тушиб шундай ёзган эди: *“Ўзбек шоири Ғулом Зафарий менга шундай маълумот берди: “Дугоҳ” эрталаб соат 10 гача, “Баёт” ўндан ўн иккигача, “Чоргоҳ” бирдан олтигача, “Сегоҳ” кечқурун, “Шаҳноз” ярим кечада, “Насруллои” кечаси соат ўн иккидан эрталабки олтигача ижро этиларкан. Бу – Туркистон мақомлари. Эҳтимол Бухорода ҳам мақомларни ижро этиши вақт билан боғлиқ бўлса керак... Менга кўп марта айтишдики, “Наво” касалликни даволашда, одатда кечқурун ижро этилар экан”* [3;306].

Кўринадики, Шарқда баъзи руҳий хасталикларни даволашда ҳам мусиқадан фойдаланилган. Бундан ташқари, мусиқа ҳаётнинг турли ташвишлари оқибатида инсон руҳи ва қалбини қоплаган кир-ғуборларни ювиб тозартиради, унга маънавий куч бағишлайди.

Мусиқа ашула ва рақсга мўлжалланганлигига қараб ҳам бир неча турга бўлинади: *“Туркистон куйларининг ҳар бириси уч бўлимга бўлинур:*

- 1. Ўқиб чалинмоқ бўлими, ўқимоқ йўли.*
- 2. Ўқимай чалинатургон бўлими: “Мушкулот”.*
- 3. Ўйин бўлими: “Уфор”.*

Ҳар бир бўлим бир неча куйдан иборат бўлиб, ўқиши йўли тўрт куйдир...” [1; 39].

Мақолада Ғулом Зафарий 200 га яқин Шарқ куйларини номма-ном санаб кўрсатади, уларни туркумларга ажратиб, ўзига хос хусусиятлари, усуллари ҳақида тўхталади. Бу қадар теран билимга у заҳматли меҳнатлари эвазига эришган эди. Ғулом Зафарий мусиқа назарияси ва тарихига оид қадимий ва ноёб қўлёзма манбалари билан танишган, Туркистоннинг шаҳару қишлоқларини кезиб, кўплаб куй ва кўшиқлар, термаларни йиғиб, ўрганиб чиққан эди. Ғулом Зафарийни халқимизнинг бой маънавий мероси намуналари бўлган куй ва чолғуларнинг унутилиб, йўқолиб бораётганлиги жуда ташвишга солган. Шунинг учун у кўплаб сахна асарларига мумтоз ва халқ куйларидан намуналар киритди, уларга қайта ҳаёт бағишлашга ҳаракат қилди. Масалан, бир пардалик кичик сахна асарлари бўлган “Баҳор”да “Сайра, булбул”, “Баҳор”, “Муножот”, “Савт”, “Тарона” каби куйларни, “Гунафша” пьесасида “Реза”, “Уфор”, “Тўсқинчилик”да “Лайли”, “Андижон борай дедим”, “Қашқарча”, “Яллама ёрим” каби куйларни тилга олади. Драматург биргина “Ҳалима” мусиқали драмасида ўндан ортиқ куйлардан фойдаланади.

Ҳар бир миллатнинг бошқалардан ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятлари бўлади. Бу унинг тилида, урф-одат, маънавий ҳаётида яққол кўзга ташланади. Мусиқа эса ҳам миллий, ҳам умуминсоний ҳодисадир. Юксак санъат асари фақат бир миллатнинггина бойлиги бўлиб қолмайди. У таракқиётнинг илк даврларидан бери келаётган маънавият занжирига бир халқа бўлиб қўшилади ва умумхалқ мулкига айланади. Ҳар бир халқ жаҳон маънавияти хазинасига имкон қадар ўз улушини қўшиб боради.

Мусиқа инсониятга Оллоҳ томонидан ато этилган энг улуғ неъматлардан бири. Мусиқа инсон қалбининг энг теран қаърига кириб бориб, ҳатто сўз ҳам ифода эта олмайдиган туйғуларни юзага чиқаради ва руҳиятга беқиёс даражада таъсир ўтказади. Ўзбек халқида қадимдан тўй ва маъракалар, байрам ва сайиллар куй-кўшиқларсиз ўтмаган. Бахшилар, оқинлар, хонандаю созандаларга эл катта ҳурмат кўрсатган. Бундан ташқари, оммавий ижро этиладиган куй ва кўшиқлар ҳам мавжуд. Ғулом Зафарий

юқорида зикр этилган мақоласида шундай ёзади: “Бу куйлардан бошқа ўзбекнинг ўз рухи, ўз юрагида йил сайин турлук туйғулар таъсири билан чиқарилиб турган куйлар жуда кўпдир. Бундай куйларни Сирдарёда терма, Фарғонада реза деб атайдилар. Бундан бошқа ёр-ёр, ўлан, лапар, алёр деган куйлар ҳам бордирким, халқ ўртасида бир-бирларига қарата куйланурлар. Шундоқки, ёр-ёр, ўлан тўйларда йигитлар билан қизлар орасида бир-бирларига қарши куйланур. Лапар далада ўйнаб юрган чокда, алёр эса майхўрлик базмига хос куйдир. Таассуфки, бундай куйлар кундан-кунга унутилиб бормоқдалар” [1;41].

Ғулом Зафарий мақоласида ўша даврда истеъмолда бўлган ҳамда йўқолиб бораётган шарқ чолғуларидан йигирматачасини санаб кўрсатади. Баъзи бир чолғу асбобларининг унутилиб бораётганлиги уни изтиробга солади. Унинг мазкур мақолани ёзишдан муроди ҳам ушбу муаммога кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, йўқолиб бораётган маънавият дурдоналарини имкон даражасида сақлаб қолишга даъват қилишдан иборат эди. У турли чолғу асбобларининг тарихи, тақдири, тарқалган жойлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади: “Чолғучилар қуроллариға келганда, баъзи эллар орасида ижод этилиб, муждаларига хос бўлғондир: танбур Туркистонға, рубоб Афғонистонға, саро Ҳинд билан Эронға, уд Миср билан Туркияға. Лекин бу чолғу асбоблари бутун Шарқда баробар ишлатилиб келингандир. Ўзимизнинг Чиғатой адабиётида кўбиз, чанг, ғижжак, най, рубоб, балабон деган нарсалар кўринадур. Маълум бир куйларда чанг, ғижжак, най, танбур, дутор Туркистонда истеъмолда, рубоб Бухорода ўлим ҳолида ётадур” [1;41].

Ғулом Зафарийни қийнаган муаммолардан яна бири шўро ҳукумати ва унинг тарбиясини олган баъзи бир миллий нигилистларнинг маданий меросга муносабати масаласи эди. Улар Октябрь тўнтаришигача бўлган маданий меросдан, жумладан мусиқадан бутунлай воз кечиб, янги – пролетар маданиятини яратиш керак, деб даъво қилардилар. Уларнинг фикрича, гўёки Октябрь тўнтаришигача яратилган санъат асарлари фақат зодагонларга хизмат қилган, халққа ёт бўлган.

Даврнинг илғор зиёлилари маданий мероснинг буткул инкор этилишига қарши чиқдилар, минг йиллик маънавиятдан воз кечиш онадан юз ўгиришдек кечириб бўлмас гуноҳ эканлигини таъкидладилар. Улуғ адиб Фитрат бу даврда “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” (1926) китобини ёзди, “Аланга” жаридасининг 1928 йил 2-сонида “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” мақоласини эълон қилди. Мазкур мақолада Фитрат ўзбек мусиқасига шундай таъриф беради: “Бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг классик қисмида уч юздан ортиқ куй сақлаган: бир мусиқаки, бу кун ўн бешга яқин чолғуларнинг эгасидир, бир мусиқаки, унинг текширишга лойиқ ўз назарияси, усули бор: уни махтағонлар тўғри сўйларлар” [4].

Ғулом Зафарий ҳам миллий нигилистларнинг нотўғри карашларига қарши “Ўзбек мусиқаси тўғрисида”, “Мусиқа муаммоси” каби мақолаларини эълон қилди. Драматург “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” мақоласида куйидагиларни ёзади: *“Замонамиз янги турмуш қуриш даври бўлиб, кўплар турли нарсаларни янги турмушга бирга олиб кириш тўғрисида фикр юрита бошладилар. Жумладан, мусиқа ҳақидаги ўз мулоҳазаларини катта йиғинларда, ҳатто матбуотда айтдилар. Шундайки, янги турмуш истақларига мусиқамиз жавоб бера олмагани баробарида бу мусиқа ўзбекнинг ўз мусиқаси бўлмай, араб, эрон ва ҳинддан кириб келган ёт ва тушунарсиз энг эски мусиқа, биз бунда ҳозирги замон истақига лойиқ жавоб ололмаймиз, деб... бу мусиқа ўзбекники эмас, шунга кўра янги ўзбек мусиқасини яратиш керак ёки Оврўпо мусиқасига кўчиш керак, дегувчилар бўлди ва бўлмоқда. Мен мана шуларга жавоб учун шу мақолани тақдим этаман”*[2].

Мазкур мақоладаги фикрлари орқали Ғулом Зафарийнинг нуқтадон мусиқашунос, халқ тарихининг билимдони эканлиги намоён бўлади. У ўзбек мумтоз мусиқасининг узоқ асрларга кириб борувчи теран илдизларга эгаллиги, ўзбек халқи маънавий дунёсининг ажралмас бўлаги бўлиб келганлигини таъкидлаб ўтади: “Ўзбек мусиқаси умумшарқ ила баб-

баробардир, кенг ўрин олгон мусиқадир. Ўзбекда эскидан бери мусиқа бўлгон” [2].

Ғулом Зафарий ўз фикрларининг исботи сифатида инкор этиб бўлмас далил, ҳужжатлар келтиради. У мумтоз мусиқамизнинг ўлмас дурдоналари бўлган мақом ва мақом шўъбалари, уларнинг юртимизнинг қайси шаҳарларида кенг тарқалганлигини ҳам атрофлича шарҳлаб беради. Мақола ниҳоясида Ғулом Зафарий ўзбек халқининг бой мусиқий меросини тўла ўрганиб ва унга суяниб, шунингдек, зарур ўринларда Оврўпо мусиқа назарияси ва усулларидан фойдаланиб янги ўзбек мусиқасини ривожлантириш керак, деган хулосани айтиб ўтади.

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Зафарий, Ғулом. Шарқ куйлари ва чолғулари. – // Инқилоб, 1922. – №3.
2. Зафарий, Ғулом. Ўзбек мусиқаси тўғрисида. – // Аланга журнали, 1930. – // №1.
3. Успенский В.А. Научное наследие. Воспоминания современников. Композиторское творчество. Письма. – Ташкент, 1980. – 306 с.
4. Фитрат, Абдурауф. Ўзбек мусиқаси тўғрисида. – // Аланга журнали, 1928. – №2.
5. Чўлпон, Абдулаҳамид. Ўзбек давлат труппаси Фарғонада. Репертуар хусусида. – //Янги Фарғона, 1928, 31 июль.
6. Қаландар (Чўлпон). Саҳнамизда. – //Туркистон газетаси, 1922 йил 16 декабрь.